

**Беғараз ёрдам кўрсатиш чегараси, шунингдек беғараз ёрдам  
кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул  
қилиш хуқуқини Банк Кенгашига бериш ҳақида**

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлар умумий йиғилишининг 2016 йил 10 июнданги 42-сонли баённомаси билан, Корпоратив бошқарув кодексининг 15-бандига мувофиқ, самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш мақсадида Банк томонидан беғараз ёрдам кўрсатиш чегараси, шунингдек беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш (йиғилиш кун тартибидаги 20 масала) юзасидан қўйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Беғараз ёрдам кўрсатиш чегараси Банк Кенгаши томонидан молия йилига тасдиқланган бизнес-режанинг харажатлар сметаси доирасида белгилансин.
2. Банк томонидан беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш хуқуқи Банк Кенгашига берилсин.